

Ўзбекистон Республикаси Одил судлов
академияси проректори в.в.б.нинг
2025 йил 23 сентябрдаги
3-ум-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академияси
Магистратура факультетининг
НИЗОМИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 августдаги “Одил судлов соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–141-сон Фармониغا асосан Магистратура факультети ташкил этилган.

2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Одил судлов академиясининг (кейинги ўринларда – Академия) Магистратура факультети (кейинги ўринларда – Факультет) фаолиятини тартибга солишга нисбатан татбиқ этилади. Факультет Академиянинг таркибий тузилмаси ҳисобланади.

3. Факультет ўз фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, Академия Устави ҳамда мазкур Низомга амал қилади.

4. Факультет Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ–141-сон Фармонида 1-илова билан тасдиқланган Академиянинг тузилмасига мувофиқ Академиянинг Ўқув-услубий ишлари бўйича проректорига бўйсунди.

5. Магистратура факультети академияда юридик таълимнинг устувор йўналишлари бўйича магистрлар тайёрлаш жараёнини давлат таълим стандартлари, асосий ўқув ҳужжатлари ва илғор илм-фан ютуқлари асосида ташкил этувчи Академиянинг алоҳида таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

6. Магистратура факультети ўз фаолиятини Академиянинг таркибий бўлинмалари ҳамда тегишли ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

7. Факультетнинг таркибий тузилмаси Академия штат жадвалига мувофиқ декан ва 1 нафар бош мутахассисдан иборат бўлиб, Факультетни Академия ректори томонидан тайинланган Факультет декани бошқаради.

8. Факультет декани этиб Ўзбекистон Республикаси фуқароси, олий юридик маълумот (магистр даражаси)га ҳамда олий таълим тизимида камида беш йиллик иш стажига эга бўлган, қоида тариқасида, фалсафа доктори (Phd) ёки фан доктори (DSc) илмий даражасига, шунингдек, профессор ёки доцент илмий унвонига эга бўлган, рус ёки инглиз тилини биладиган, АКТдан самарали фойдаланиш кўникмасига эга бўлган шахс тайинланади. Факультет декани ва бош мутахассиси лавозимларига Академия ректори буйруғи билан тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар.

9. Факультетнинг иш фаолияти мазкур Низомга ҳамда тасдиқланган иш режаларига асосан ташкил қилинади. Факультет ходимларининг вазифалари Академия ректори томонидан тасдиқланадиган лавозим йўриқномалари билан белгиланади.

10. Факультет ўз фаолиятини амалга ошириш учун тегишли хоналар, жихозлар, техника воситалари ва бошқа зарур буюмлар билан таъминланади.

11. Факультетнинг расмий номи:

- давлат тилида – Магистратура факультети;
- инглиз тилида – Faculty of Magistracy;
- рус тилида – Факультет магистратуры.

2-боб. Факультетнинг асосий мақсади, вазифалари ва функциялари

12. Магистратура факультетининг асосий мақсади – юқори малакали, илмий-тадқиқот фаолиятига қодир, замонавий билим ва кўникмаларга эга мутахассисларни тайёрлаш, илмий-педагогик кадрлар заҳирасини шакллантириш ҳамда миллий ва халқаро таълим стандартларига мос таълим жараёнини ташкил этишдан иборат.

13. 70420115 – “Суд фаолияти” мутахассислиги бўйича амалий магистратура дастури асосида замонавий талабларга жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлаш.

14. Факультетнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, магистрлик диссертацияларини илмий жиҳатдан таъминлаш ва уларнинг сифатини ошириш;

таълим жараёнида илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш;

илмий-тадқиқот муассасалари, ишлаб чиқариш ва суд-ҳуқуқ органлари (ёки тегишли соҳалар) билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

талабаларнинг илмий ва инновацион фаолиятини рағбатлантириш, илмий анжуманлар, семинарлар ва конференцияларда иштирокини таъминлаш;

хорижий таълим ва илмий марказлар билан ҳамкорликни ривожлантириш, қўшма таълим дастурларини амалга ошириш;

профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш ва илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш.

15. Факультетнинг функциялари қуйидагилардан иборат:

ўқув жараёнини замонавий ва ўқитишнинг инновацион методлари асосида ташкил этиш, демократик ва ҳуқуқий ислохотлар, фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг юксак талаблари ва замонавий халқаро стандартларга жавоб берадиган юқори малакали бошқарув кадрларни тайёрлашни ташкил этиш;

тингловчиларни илмий-тадқиқот ишларига кенг жалб этиш, кафедралар илмий салоҳиятини кучайтиришда фаол иштирок этиш;

магистратура таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этиш;

таълим жараёнини давлат таълим стандартлари ва илмий асослар бўйича мувофиқлаштириш;

илмий-тадқиқот ва илмий-амалий ишлар натижаларини таълим жараёнига татбиқ этиш;

талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш ва уларнинг илмий раҳбарлар фаолиятини назорат қилиш;

таълим жараёнининг самарадорлигини таҳлил қилиш ва унинг сифатини баҳолаш;

илмий нашрлар, методик қўлланмалар ва ўқув адабиётлар тайёрлашни ташкил этиш;

илмий ва илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатларини ўтказиш;

Факультет маҳаллий ва халқаро таълим, илмий-тадқиқот муассасалари ва давлат органлари билан ҳамкорлик ўрнатади, тажриба алмашиш ва қўшма лойиҳаларни амалга оширади;

ўз фаолиятини такомиллаштириш юзасидан янги механизмлар ҳамда усулларни жорий қилиш;

Факультет фаолиятига доир зарур ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни мувофиқлаштириш;

Факультет ҳужжатларини ўрнатилган тартибда архивлаш;

таълим жараёнида инновацион ўқитиш технологияларини, халқаро тажрибани жорий этиш;

таълим ва илмий фаолиятда иштирок этувчи профессор-ўқитувчилар, мутахассислар ҳамда тингловчиларнинг фаолиятини рағбатлантириш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш;

ўз фаолиятига оид ахборот-маълумотларни оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш ҳамда жамоатчилик билан алоқаларни йўлга қўйиш.

3-боб. Факультетнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

16. Факультет ўз фаолиятини самарали амалга ошириш мақсадида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

академия раҳбариятига Факультет ходимларининг иш фаолияти билан боғлиқ зарур шароитларни яратиш масалаларини олиб чиқиш;

Факультетнинг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш; ҳуқуқ фанлар ихтисослиги соҳасида илмий-тадқиқотлар олиб бориш, таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этиш;

академиянинг бошқа таркибий тузилмаларидан белгиланган тартибда Факультет фаолиятига тааллуқли бўлган маълумотларни олиш;

Академиянинг бошқа таркибий тузилмалари билан ҳамкорликда грантлар бўйича илмий ва илмий услубий тадқиқотларни амалга ошириш.

17. Факультетнинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

ўқув жараёнлари ва илмий фаолиятни амалдаги қонунчилик, давлат таълим стандартлари ва Академиянинг ички норматив ҳужжатларига мувофиқ ташкил этиш;

академия раҳбарияти томонидан берилган топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

таълим ва илмий жараёнда академик ҳалоллик, адолат, тенглик ва шаффофлик тамойилларига амал қилиш;

Факультет иш режаларини ўз вақтида тузиш, уларни ўрнатилган тартибда сифатли бажариб борилишини таъминлаш;

Факультет Низомида белгиланган вазифалар ва функцияларни белгиланган муддатларда сифатли бажариш;

Факультет ходимлари томонидан ўз лавозим мажбуриятларини бажарилишини, меҳнат интизомига ва Академия ички тартиб қоидаларига риоя қилилишини назорат қилиш;

Факультетга берилган ҳуқуқлар доирасида Академиянинг Факультет фаолиятига тааллуқли бўлган буйруқлари лойиҳасини тайёрлаш;

Факультетда олиб борилаётган ишларнинг сифатини янада яхшилаш бўйича Академия раҳбариятига таклифлар бериб бориш;

ҳалқаро ҳамкорликда Ўзбекистон манфаатларини муносиб тарзда ифодалаш ва миллий кадриятларни ҳурмат қилиш.

4-боб. Факультетининг жавобгарлиги

18. Факультетнинг иш фаолиятига тааллуқли бўлган барча ҳужжатлар белгиланган тартиблар асосида сақланади.

19. Факультетда йиғма жилдлар номеклатураси юритилади, шунингдек, Факультетга келган барча кириш ва чиқиш ҳужжатларининг нусхалари белгиланган тартибга асосан сақланади.

20. Факультет юқори турувчи ташкилотлар қарорлари ҳамда топшириқлари, вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлардан келган хизмат ёзишмалар бўйича белгиланган муддатларда ижросини таъминлаш ва жавоб берилишини таъминлайди.

21. Факультет фаолиятига оид бўлган ҳисоботлар муайян тартиб ва қоидалар асосида тайёрланиб, ўз вақтида тақдим қилинади.

22. Факультет фаолиятига тааллуқли бўлган, ташқи субъектга ошкор этилиши тақиқланган маълумотларни ошкор этилмаслиги таъминланади.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

23. Ушбу Низом Магистратура факультети фаолиятини ташкил этувчи асосий норматив ҳужжат ҳисобланади.

24. Мазкур Низомда белгиланган масалалар бўйича низоли ҳолатлар Академия Устави, ички норматив ҳужжатлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

25. Ушбу Низом Академия ректори томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга киради.

26. Мазкур Низомга Академия ректорининг буйруғига мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин.